



## МАҲКУМЛАР ҲУҚУҚЛАРИШГА ДОИР ҚОНУНЧИЛИК УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Муталов Дилшоджон Қодиржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси магистратураси таингловчиси

Email:dilshodjonmutalov2004@gmail.com

Tel:+998 88 322 51 52

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20228937>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 12-may 2026 yil

Ma'qullandi: 14-may 2026 yil

Nashr qilindi: 16-may 2026 yil

### KEYWORDS

прокурор нозорати,  
маҳкумлар ҳуқуқлари,  
жазони ижро этиш  
муассасаси, мурожаят  
ҳуқуқи, дахлсизлик  
кафолати.

### ABSTRACT

*Мазкур мақолада жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлаш устидан прокурор назоратининг долзарб муаммолари таҳлил қилинган. Маҳкумларнинг мурожаят қилиш ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида шикоят беришнинг инновацион рақамли тизимини (инфокиоск) жорий этиш ҳамда уларни интизомий таъқиблардан ҳимоя қилишнинг янги ҳуқуқий механизмларини қонунчиликка киритиш таклиф этилган..*

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мезони - "инсон қадрини учун" тамойилини ҳаётга тўлақонли татбиқ этишдан иборатдир. Бу жараёнда, айниқса, жамиятнинг энг эътибор қарартирилиши шарт бўлган қатламларидан бири бўлган озодликдан маҳрум этилган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни жамиятга қайта интеграция қилиш масаласи устувор аҳамият касб этади. Шунингдек, жазони ижро этиш муассасаларида қонун устуворлигини рўёбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, "дастлабки тергов, суриштирув ва терговга қадар текширув органлари ҳамда ЖИЭМ (жазони ижро этиш муассасалари) хизматчилари учун қийноқ ҳолатларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш юзасидан мунтазам равишда қисқа муддатли ўқув машғулотларини йўлга қўйиш вазифаси белгилаб берилган"<sup>1</sup>.

Бундай махсус ўқув курсларининг жорий қилиниши, ўз навбатида, жамиятимизда инсон қадрини ва олий қадриятларини янада юксалтиришга хизмат қилади. Мамлакатимизда ҳар бир шахснинг конституциявий эркинликлари ва

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 7-февралдаги "Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/6378537>

хуқуқларини кафолатлаш, қонун ҳужжатлари ижроси устидан тизимли равишда назорат-текширув тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишга қаратилган комплекс чораларнинг рўёбга чиқарилиши аҳолининг давлат идораларига бўлган ишонч туйғусини кескин оширади ва мустаҳкамлайди.

#### **Асосий қисм**

Институционал нуқтаи назардан ёндашганда, прокуратура идоралари тезкор-қидирув тадбирлари, терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида, қолаверса, озодликдан маҳрум қилиш жойларида қонун талабларининг сўзсиз бажарилиши устидан назорат ўрнатувчи асосий ваколатли субъект сифатида эътироф этилади.

Фаолият йўналиши нуқтаи назаридан эса, “мазкур назорат институтини унинг бош мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш, прокуратура органларининг самарадор ишлаши учун талаб этиладиган шарт-шароитларни шакллантирувчи ваколатли тузилмаларнинг ўзаро мувофиқлашган қарорлари ва ҳаракатлари мажмуи сифатида баҳолаш ўринлидир”<sup>2</sup>.

Шу билан бирга, хуқуқшунос олим А.Ж.Давлетовнинг илмий қарашларига таянадиган бўлсак, “ушбу йўналишдаги прокурор назоратининг таъсирчанлигини ошириш ва мустаҳкамлаш асосан қуйидаги учта муҳим йўналиш орқали амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

- озодликдан маҳрум қилиш жойларида қонун талабларига қай даражада риоя этилаётганини тизимли ва узлуксиз равишда текшириб бориш;
- жиной қилмиш содир этганликда гумонланаётган шахсларни ушлаш жараёнида қонун нормаларининг тўғри ва оғишмай қўлланилиши устидан қатъий ҳамда мунтазам назорат ўрнатиш;
- қонунбузилиш ҳолатларини барвақт фош этиш ва уларни келтириб чиқарувчи сабабларни зудлик билан бартараф қилиш чора-тадбирларига устувор аҳамият қаратиш”<sup>3</sup>.

Айнан шу сабабли, ҳозирги даврда озодликдан маҳрум қилиш жойларида қонун устуворлигини кафолатлаш мақсадида прокуратура ходимлари томонидан қатор ижобий ва самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунларга риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги “тармоқ буйруғида қамоққа олинган шахсларни сақлаш ва жазони ижро этиш муассасаларида

<sup>2</sup> Попов А.А. “Организация прокурорского надзора за исполнением законов при производстве предварительного следствия” Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва 2020. -С.25

<sup>3</sup> Ф.Х.Рахимов, А.Ж.Давлетов, Р.Муҳамедов, Б.Тошев, Д.М.Мингшалиева. “Қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати” илмий-амалий тўплам. Ўзбекистон Республикаси прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази. Тошкент – “Ўқитувчи”, 2000-й. –Б. 73

қонунийликка тўла риоя қилиниши устидан прокурор назоратининг таъсирчанлигини тубдан ошириш бош мақсад қилиб қўйилган”<sup>4</sup>.

Мазкур идоравий ҳужжатда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги ЖИЭМларда қонунлар ижросини назорат қилиш, шунингдек, қамоққа олинган ва озодликдан маҳрум қилинган маҳкумларнинг муассасадаги ички тартиб-қоидаларга итоат этиши, уларнинг моддий-маиший таъминоти даражаси, меҳнат фаолиятига жалб қилиниши ҳамда рецидив жиноятларнинг олдини олишга қаратилган профилактик чораларнинг қай даражада бажарилаётганига алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги қатъий белгиланган. Бундан ташқари, прокуратура вакиллари зиммасига тергов ҳибсхоналари, вақтинча сақлаш ҳибсхоналари ва ЖИЭМларда қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан тизимли текширишлар ўтказиш каби устувор вазифалар юклатилган. Хусусан, жиноятга оид хабар ва аризаларни кўриб чиқиш ҳамда текширув ҳаракатларини амалга оширишда процессуал қонунчилик талабларига қатъий риоя этилиши, қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан қабул қилинаётган турли қарорларнинг қонунийлигини кузатиб бориш ва уларни мувофиқлаштириш прокурор назоратининг марказий предмети сифатида намоён бўлади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, соҳага оид муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардан саналган ҳамда 1955 йили Женева шаҳрида бўлиб ўтган БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича Биринчи Конгрессида “Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари”<sup>5</sup> ишлаб чиқилиб қабул қилинган ва Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашнинг 1957 йил 31 июлдаги резолюциялари билан расман тасдиқланган. Мазкур минимал стандартларда маҳкумларнинг барча асосий ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ қафолатлаш масалалари батафсил ёритиб берилган.

Кўшимча тариқасида қайд этиш керакки, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенцияси ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг бой амалиётидан келиб чиқиб, озодликдан маҳрум этиш жойларида сақлашнинг Европа стандартларига оид йиллик ҳисоботлар шакллантирилган. Европа Кенгаши томонидан 2006 йилда БМТнинг мазкур минимал стандарт қоидаларининг ўзига хос Европа версияси сифатида қабул қилинган Европа қамоқхона қоидаларининг янги таҳрири тасдиқланган<sup>6</sup>. Европа қамоқхона қоидалари бевосита қамоқхоналарда сақланаётган маҳбусларга нисбатан инсон ҳуқуқларига мос муомалада бўлиш юзасидан Европа Иттифоқи давлатлари учун умумий стандартларни мустаҳкамлайди. Жумладан, маҳкумларни камераларга тақсимлаш жараёнида

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг 2015-йил 28-декабрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунга риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги соҳавий буйруғи. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорнинг буйруқлари. Т.1. / Тошкент: Тасвир, 2018. –Б. 108-120.

<sup>5</sup> Минимальные стандартные правила обращения с заключенными. Приняты на первом Конгрессе Организации Объединенных Наций по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями, состоявшемся в Женеве в 1955 году. [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/prison.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/prison.shtml)

<sup>6</sup> Европейские стандарты содержания в местах лишения свободы. <https://strana-oz.ru/2008/2/evropeyskie-standarty-soderzhaniya-v-mestah-lisheniya-svobody>

уларнинг шахсий дахлсизлигига қатъий ҳурмат билан ёндашиш талаб этилиб, бир кишилиқ камера майдонининг энг кам миқдори 6 квадрат метр этиб белгиланган. Шунингдек, икки нафар маҳбус учун камида 9 квадрат метр, уч киши учун 12 квадрат метр, тўрт кишилиқ камералар учун эса 16-17 квадрат метрлик майдон етарли ҳажм сифатида эътироф этилган.

Ўзбекистон миллий қонунчилигига кўра, Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”<sup>7</sup>ги ЎРҚ-298-сонли Қонуни нормаларига кўра, ҳибсхона ва қамоқда сақлаш жойларида ҳар бир маҳкум учун ажратилган яшаш майдони нормаси 2,5 квадрат метрдан кам бўлмаслиги қатъиян мустаҳкамлаб қўйилган.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини кўриб чиқиш прокурорнинг мажбурияти ҳамда прокурорлик фаолияти мазмунининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Маҳкумлар учун шикоят ва аризалар бериш - бу ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи ва воситасидир.

“Маҳкумнинг мурожаат ва шикоят қилиш ҳуқуқи унинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва пенитенциар муассаса ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан ташқи назоратни ишга туширишнинг энг муҳим механизmidир. Бироқ, озодликдан маҳрум қилиш шароитида маҳкум мурожаат юборишда маъмуриятга қарам бўлади. Прокурор назоратининг бу борадаги ўзига хослиги шундаки, прокурор нафақат келиб тушган шикоятларни кўриб чиқиши, балки шикоятларнинг яширилиши, цензура қилиниши ёки шикоят қилгани учун маҳкумнинг таъқиб қилиниши ҳолатларини аниқлаши ва бунга чек қўйиши шарт”<sup>8</sup>.

Ўзбекистон Республикаси ЖИКси маҳкумларга таклиф, ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқини кафолатлайди. ЖИКга кўра, “прокурорга юборилаётган мурожаатлар цензура қилинмайди ва бир сутка ичида жўнатилиши шарт”<sup>9</sup>. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, прокурор озодликдан маҳрум қилиш жойларида ушлаб турилган шахсларни уларнинг талабига кўра шахсан қабул қилиши ва мурожаатларини қонунда белгиланган муддатларда ҳал этиши лозим. Нельсон Мандела қоидаларининг 56-қоидаси “маҳкумларнинг марказий пенитенциар маъмуриятга, суд-ҳуқуқ тизими органларига ёки бошқа мустақил органларга ҳеч қандай цензурасиз ва хат-хабарларининг сир сақланишини кафолатлаган ҳолда мурожаат қилиш ҳуқуқини таъминлашни талаб қилади”<sup>10</sup>. Бош прокурорнинг 128-сонли буйруғида эса “прокурорларга маҳкумлар ўртасида мунтазам сайёр қабуллар ўтказиш ва келиб тушган шикоятларни муассаса

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2011-йил 29-сентябрдаги “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-298-сон Қонуни. Электрон манба: <https://lex.uz/acts/1876877>

<sup>8</sup> Маҳкумлар ҳуқуқлари: халқаро ва миллий стандартлар. / Масъул муҳаррир: А.Х. Саидов. – Тошкент: Тафаккур, 2011. – Б. 112.

<sup>9</sup> Ўз.Рес. Жиноят ижроия кодекси Электрон манба: <https://lex.uz/docs/163629#169262>

<sup>10</sup> Нелсон Мандела қоидалари. Электрон манба: [https://www.unodc.org/documents/justice-and-prison-reform/Nelson\\_Mandela\\_Rules-E-ebook.pdf](https://www.unodc.org/documents/justice-and-prison-reform/Nelson_Mandela_Rules-E-ebook.pdf)

маъмурияти иштирокисиз, маҳкум билан холи ҳолатда кўриб чиқиш мажбурияти юкланган”<sup>11</sup>.

Бироқ, амалиётда шикоятларни бериш тизими сезиларли тўсиқларга дуч келмоқда. Аввало, жазони ижро этиш муассасаларида ўрнатилган "Прокурорга мурожаат" ва "Омбудсманга мурожаат" қутиларига шикоят ва хатларни ташлаш жараёни кўпинча ЖИЭМ маъмурияти вакилларининг назорати остида амалга оширилади, бу эса хатларнинг прокурорга етиб бормасдан йўқ қилинишига ёхуд ташқи таъсири остида маҳкумларни бундан қайтарилишига ёки сензурадани ўтказилишига олиб келиши мумкин.

Ички ишлар вазирининг 05.08.2013й 174-сонли "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи 195-199- бандларига кўра, "хар бир муассасада маҳсус "инфокиоск" қурилмалари ўрнатилган бўлиб, ушбу қурилмалар орқали маҳкумлар қонунда белгиланган миқдорда пул маблағларидан, ишдан бўш вақтида озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур нарсаларни сотиб олишлари мумкин. Бу қурилмадан маҳсулот сотиб олишлари учун хар бир маҳкумга Face-ID идентификация тизими ҳамда шахсий менюга кириш учун шахсий идентификация ID-рақами берилган бўлиб, маҳкумлар ўз ID-рақами орқали ва Face-ID идентификация орқали қурилма менюсига кирадилар ва ўзларига керакли онлайн бозорни ва маҳсулотни танлаб, савдони амалга оширадилар”<sup>12</sup>.

Юқоридаги муаммонинг ечими сифатида ҳамда жазони ижро этиш муассасаларида қонунлар устидан нафақат прокурор назоратини балки омбудсман ва жамоатчилик назоратини янада тез ва самарали ташкил этиш мақсадида, хар бир муассасада "Прокурор қутиси" ва "Омбудсман қутиси" ўрнига тегишли Прокуратура, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги каби давлат органи ва муассасаларининг элетрон базасига тўғридан-тўғри уланган, Ички ишлар вазирининг 174-сонли буйруғида келтирилгандек мурожаатлар учун маҳсус "инфокиоск" қурилмаларини видеокузатув камералари билан жиҳозланган, ташқарига овоз ўтказмайдиган маҳсус хоналарга ўрнатишни таклиф этамиз.

Ушбу электрон мурожаат механизми қуйидагича ишлайди:

1. Мурожаатчи маҳкум маҳсус мурожаатлар хонасига назорат остида келади ва ичкарига назоратсиз холда киритиб юборилади;

2. Маҳкум ўзига керакли қурилма тилини (ўзбек, қорақалпоқ, рус, ингилиз тили ҳамда бошқа МДХ давлатлари тили) танлайди;

3. Аввал ID-рақамини киритиб сўнг Face-ID идентификация орқали шахсини тасдиқлаб қурилма менюсига кирилади;

4. Қурилма менюсидан қайси давлат органига мурожаат қилишини юқоридаги 4 та давлат органлари орасидан (Прокуратура, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари [Матн] Т.1 / Тошкент: Тасвир, 2018. – 117 б

<sup>12</sup> Ички ишлар вазирининг 05.08.2013й 174-сонли "Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи. Электрон манба: <https://lex.uz/uz/docs/2216121?ONDATE=12.03.2025&action=compare>

(Омбудсман), Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Ёшлар ишлари агентлиги) танлайди;

5.Танлов амалга оширилгач кейинги, мурожаат турини танлаш ойнаси(ариза шикоят ва таклиф) очилади;

6.Мурожаат турини танлангандан сўнг, мурожаат шаклини танлаш ойнаси(видео, аудио ва матн) очилади;

7.Маҳкум мурожат шаклини танлаб мурожатни амалга ошириб, “Мурожаатни яқунлаш” тугмасини босади;

Шу билан мурожат тегишли органга келиб тушади. Ушбу тизим АҚШ ва Канада тажрибаси ҳисобланиб, “Video-link Complaint” деб аталади. Бундай мурожаатлар тизимини ишга туширилиши прокуратура ва бошқа органларга ҳам бир вақтнинг ўзида ҳар бир маҳкумни айна вақтда қайси муассасада экани, қайси муассасага кўчирилгани ва бошқа шу каби маълумотларни назорат қилиш имконини беради.

Иккинчи амалиётдаги муаммо шундаки, ариза ва шикоят юборган маҳкумларда кейинчалик муассаса маъмурияти томонидан “қасос олиниши”дан қўрқув фактори сабабли шикоятлар хатто прокурор билан юзма-юз учрашувларда ҳам билдирилмаслиги натижада прокуратурага келиб тушаётган шикоятлар сони реал қонунбузарликлар сонига мос келмаслиги, жазони ижро этиш муассасаларидаги қонунбузилиш ҳолатлари прокурор назоратидан ташқарида қолиши ва бундай ҳолатлар янада кўпайиши мумкин.

Ушбу муаммони ечими сифатида, шикоят ва ариза ёзган маҳкумга нисбатан маъмурият томонидан шикоят ва ариза ёллангандан сўнг камида 3 ой давомида интизомий соралар қўллашни тақиқлаш, қўллаш тўғрисида қарор шикоят берилган куни чиқарилган бўлса ижроси тўхтатиб турилиши Ўз.Рес. Жиноят ижроия кодекси 105-моддасини қуйидагича тахрирлашни ва Ички ишлар вазирининг тегишли буйруқларини кодексга мослаштиришни таклиф этамиз:

“Таклиф, ариза ва шикоят ёллаган маҳкумларнинг даҳлсизлиги таъминланиб, уларга нисбатан мурожаат ёлланган кундан эътиборан уч ой давомида интизомий жазо чораси қўлланилмайди”

### **Хулоса**

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумлар ҳуқуқларини таъминлаш прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишларидан бири ҳисобланади. ЖИЭМларда қонунийликни таъминланиши, маҳкумларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши уларни ахлоқини тезроқ тузалишига ҳамда давлатга ва жамиятга нисбатан ижобий муносабатни шаклланишига хизмат қилади.

### **Фойдаланилаган адабиётлар рўйхати:**

- 1.Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси. Электрон манба: <https://lex.uz/docs/163629>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 29 сентябрдаги “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-298-сон Қонуни. // Электрон манба: <https://lex.uz/acts/1876877>
- 3.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги миллий таълим дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори. // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/6378537>

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2013 йил 5 августдаги 174-сонли “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги озодликдан маҳрум қилиш туридаги жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғи. // Электрон манба: <https://lex.uz/uz/docs/2216121>
5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2015 йил 28 декабрдаги “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этишда ҳамда қамоққа олинганларни сақлашда қонунга риоя этилиши устидан назорат самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 128-сонли соҳавий буйруғи. // Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари тўплами. Т.1. – Тошкент: «Тасвир», 2018. – Б. 108-120.
6. Минимальные стандартные правила обращения с заключенными (Қамоқдагилар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари). (БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарлар билан муомала қилиш бўйича 1955 йил Женевадаги Биринчи Конгрессида қабул қилинган). // Электронманба: [https://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/prison.shtml](https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/prison.shtml)
7. БМТнинг маҳкумлар билан муомала қилишга оид минимал стандарт қоидалари (Нельсон Мандела қоидалари). 2015 йил. // Электрон манба: [https://www.unodc.org/documents/justice-and-prison-reform/Nelson\\_Mandela\\_Rules-E-ebook.pdf](https://www.unodc.org/documents/justice-and-prison-reform/Nelson_Mandela_Rules-E-ebook.pdf)
8. Европа қамоқхона қоидалари (Европейские стандарты содержания в местах лишения свободы). Европа Кенгаши. 2006 йил. // Электрон манба: <https://strana-oz.ru/2008/2/evropeyskie-standarty-soderzhaniya-v-mestah-lisheniya-svobody>
9. Маҳкумлар ҳуқуқлари: халқаро ва миллий стандартлар. / Масъул муҳаррир: А.Х. Саидов. – Тошкент: «Тафаккур», 2011. – 112 б.
10. Попов А.А. Организация прокурорского надзора за исполнением законов при производстве предварительного следствия: Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Москва, 2020. – С. 25.
11. Раҳимов Ф.Х., Давлетов А.Ж., Муҳамедов Р., Тошев Б., Мингшалиева Д.М. Қонунларнинг бажарилиши устидан прокурор назорати: Илмий-амалий тўплам. (Ўзбекистон Республикаси прокуратураси қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 2000. – 73 б.